

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

СОЛИЖОНОВ МУҲАММАДЖОН ЗОКИРЖОН ЎҒЛИ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ РИВОЯТЛАР КОНЦЕПТУАЛ
МАЙДОНИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УЎК: 811.111'255.2:398.2
811.512.133'255.2:398.2

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Солижонов Муҳаммаджон Зокиржон ўғли

Инглиз ва ўзбек тилларидаги ривоятлар концептуал майдонининг
лингвокультурологик тадқиқи..... 3

Солижонов Муҳаммаджон Зокиржон угли

Лингвокультурологическое исследование концептуального поля
притч в английском и узбекском языках..... 25

Mukhammadjon Zokirjon ugli Solijonov

Linguocultural Research of the Conceptual Field of Parables in the English
and Uzbek Languages..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 52

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

СОЛИЖОНОВ МУҲАММАДЖОН ЗОКИРЖОН ЎҒЛИ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ РИВОЯТЛАР КОНЦЕПТУАЛ
МАЙДОНИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослигида тил соҳибларининг миллий маданияти, дунёқараши, урф-одатлари, анъаналари ва миллий қадриятларини ўзида мужассам этган халқ оғзаки ижодининг турли жанрларидаги матнларнинг лингвистик тадқиқи асносида тилнинг умумий ва хусусий лингвистик қонуниятларини ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Тилшунослик, таржимашунослик, социолингвистика, лингвокультурология, когнитив лингвистика соҳаларида миллат тафаккурини шакллантирувчи мезон сифатида халқ руҳияти ва эътиқодий қарашларини акс эттирган фольклор матнларига қизиқишнинг ортиши ривоятлар концептуал майдонини лингвокультурологик жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади.

Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида прагмалингвистика, психолингвистика, этнолингвистика, дискурс назарияси каби фанларнинг ўзаро интеграцияси натижасида антропоцентрик парадигманинг лингвокультурология йўналиши жадал ривожланмоқда. Турли тизимдаги тилларда ривоятлар концептуал майдонининг намоён бўлиш хусусиятларини чоғиштира тадқиқ этиш, умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлаш, концептуал майдон, уларда воқеланган тил унсурларини таҳлил қилиш моделлари орқали тиллараро алоқадорлик ходисаларини тадқиқот объекти сифатида ўрганиш замонавий тилшунослик олдидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда инглиз ва ўзбек фольклор матнлари концептуал майдонини қиёсий ва чоғиштира таҳлил қилиш орқали тил соҳибларининг этник, ментал ва маданий хусусиятларининг муштарак ва ўзига хос жиҳатлари бўйича изланишлар олиб бориш марказий ўрин эгалламоқда. Зеро, «фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни ривожлантириш, мавжуд илмий мактабларни сақлаб қолиш ва янгиларини яратиш, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, бунда иқтидорли ёшларнинг илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш»¹га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тилнинг ички имкониятларини эгаллаш миллий маънавиятни такомиллаштириш ва уни ёшлар онгига сингдиришда алоҳида аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони.
https://nrm.uz/contentf?doc=602358_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз тилидаги *parable-ривоят*ларга бағишланган тадқиқотлар хорижда Т.Л. Ноэл, Р.Д. Жон, М.Д. Скотт² томонидан олиб борилган. Ўзбекистонда А.С. Эргашев, Ш.А. Ишниёзова, У.Ф. Саттаров, З.Ҳ. Жумаев³ томонидан ривоятларнинг ўзига хос жанрий хусусиятлари, топонимик ва тарихий ривоятларнинг асар сюжетидаги поэтик ўрни юзасидан илмий изланишлар амалга оширилган. Бироқ инглиз ва ўзбек тилларидаги ривоятларнинг лингвокультурологик хусусиятлари алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганилмагани боис тадқиқот юқорида таъкидланган ишлардан фарқ қилади.

XIX асрнинг бошларида, кейинчалик XIX асрнинг 60–70-йилларида тил ва маданият ўртасидаги узвий боғлиқлик, хусусан, лингвокультурологиянинг назарий муаммолари В.фон. Гумбольдт, Ф.И. Буслаев, А.Н. Афанасьев, А.А. Потебня⁴ томонидан ўрганилган, шунингдек, немис олимлари ака-ука Гриммлар⁵ ҳам соҳа ривожига муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Бу йўналиш ўзбек тилшунос олимлари, хусусан, Ж.А. Якубов, Г.Х. Бакиева, Д.У. Ашурова, А.М. Бушуй, Ш.С. Сафаров, А.Э. Маматов, Н.М. Маҳмудов, Ў.Қ. Юсупов, Д.С. Худойберганова, Д.Р. Джуманова, М.Д. Джусупов, И.М. Тухтасинов⁶нинг монография ва мақолалари

² Noel T.L. Parables in Context: Developing a Narrative-Critical Approach to Parables in Luke. PhD dissertation. Southern Baptist Theological Seminary, Kentucky, 1986.; John R. D. The Gospel in Parable: Metaphor, Narrative, and Theology in the Synoptic Gospels. Philadelphia: Fortress Press, 1988.; Scott M.D. Conversion in Luke and Paul: Some Exegetical and Theological Explorations. PhD dissertation, Durham University, 2010.

³ Эргашев А.С. Ривоят ва унинг бадиий асар сюжет-композицион тузилишидаги поэтик ўрни (Асқад Мухторнинг «Чинор» ва Одил Ёкубовнинг «Кўҳна дунё» романлари асосида): Фил. фан. ном. ... дисс. – Т., 1993. – 151 б.; Ишниёзова Ш.А. Ҳозирги замон ўзбек ва қирғиз насрида афсона ва ривоятларнинг киёсий типологик таҳлили: Фил. фан. ном. ... дисс. – Самарқанд, 1996, – 138 б.; Саттаров У.Ф. Ўзбек халқ топонимик ривоятлари (ўзига хос хусусиятлари ва таснифи): Фил. фан. ном. ... дисс. – Т., 2001. – 158 б.; Жумаев З.Ҳ. Ўзбек халқ тарихий ривоятлари (ўрганилиши, ўзига хос хусусиятлари ва таснифи): Фил. фан. ном. ... дисс. – Т., 2005. – 134 б.

⁴ Гумбольдт В.Ф. Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985. – 452 с.; Буслаев Ф.И. Русский быт и духовная культура. Сост. и отв. ред. О. А. Платонов. М.: Институт русской цивилизации, 2015. – 1008 с.; Афанасьев А.Н. Поэтические воззрения славян на природу. В 3-х т. Т.1. М.: Индрик, 1994. – 801 с.; Потебня А. А. Мысль и язык. – Киев: СИНТО, 1993. – 192 с.

⁵ <https://fantlab.ru/autor6327> Якоб Гримм (Jacob Ludwig Karl Grimm)

⁶ Якубов Ж. Француз тилида «муҳаббат» концептининг когнитив хусусиятлари / Олмоншунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари. – Т., 2011. – Б.107-111; Бакиева Г. Лингвистические основы анализа художественного текста: Автореф. дисс... док-ра филол. наук. – Т., 1993. – 46 с.; Ashurova D.,

лингвокультурологик бирликларнинг лисоний хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Лингвокультурология соҳасида сўнгги йилларда қиёсий аспектдаги изланишлар ривожланди. Г.К. Кдырбаева, Л.Э. Холмурадова, У.Р. Йўлдошев, А.А. Шарипова, Д.А. Тошева, Д.К. Бахронова, Н.А. Тухтаходжаева, Д.А. Рустамова, Ш.З. Рахматуллаева, Д.А. Рустамов, А.А. Мўминова⁷ каби тилшуносларнинг ишлари бир-бирига қардош бўлмаган икки тил доирасида олиб борилган тадқиқотлар юзасидан аҳамиятлидир.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари эътироф этилган ҳамда бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тилшуносларининг ишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, инглиз ва ўзбек тилларидаги ривоятлар концептуал майдонининг лингвокультурологик тадқиқи чоғиштирма усулда амалга оширилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ И-204-4-5 рақамли «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий типологияси» мавзуси доирасида бажарилган.

Galieva M. Cultural Linguistics. – 2019.; Ashurova D. Text Linguistics. Tashkent: Tafakkur Qanoti. 2012. – 204 p.; Бушуй А. Взаимоотношения между языком, культурой и обществом // Тил ва миллий маданият. Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 10 йиллиги юбилейига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция материаллари. – Самарқанд, 2008. – Б. 6-13.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.; Маматов А. Лингвомаданиятшунослик: лингвокультурема ва логоэпистема. – Хорижий филология. Тил. Адабиёт. Таълим. – Самарқанд, 2015. – №1(54). – Б. 9-15; Махмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2015. №3. – Б. 3-12.; Юсупов Ў. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида / Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. – Т., 2011. – Б. 49-55; Худойберганаева Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Т., Турон-замин-зиё, 2015. – 42 б.; Тухтасинов И.М. Лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественном тексте (на материале английского и узбекского языков): дис. ... канд. филол. наук. – Т., 2011. – 157 с.

⁷ Кдырбаева Г.К. «Ман» – «адам» концептосфераси бирликларининг лингвомаданий ва лингвокогнитив хусусиятлари (инглиз ва қорақалпоқ тиллари мисолида): Фил.фан. PhD дисс. – Т., 2017. – 158 б.; Холмурадова Л.Э. Тематико-идеографическая репрезентация образных и мотивированных фразеологизмов английского и французского языков (лингвокультурологический аспект): Дисс. ... PhD по фил.наукам. – Самарқанд, 2017. – 144 с.; Йўлдошев У.Р. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида): Фил.фан. PhD дисс. – Т., 2017. – 163 б.; Шарипова А.А. Стилистик синонимлар таржимасининг лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида): Фил.фан. PhD дисс. – Т., 2017. – 160 б.; Тошева Д.А. Зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари: Фил.фан. PhD дисс. – Т., 2017. – 151 б.; Бахронова Д.К. Антропозооморфизмларнинг семантик ва лингвокультурологик хусусиятлари (ўзбек ва испан тиллари материаллари): Фил.фан. PhD дисс. – Т., 2017. – 157 б.; Тухтаходжаева Н.А. Бадий таржимада лингвокультуремаларнинг ифодаланиши (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Фил.фан. PhD дисс. – Т., 2017. – 141 б.; Рустамова Д.А. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти: Фил.фан. PhD дисс. – Т., 2018. – 145 б.; Рахматуллаева Ш.З. Ҳаракат тарзи шаклларининг лингвокультурологик ва социопрагматик хусусияти (ўзбек тили материаллари асосида): Фил.фан. PhD дисс. – Қарши, 2018. – 122 б.; Рустамов Д.А. Лексемалар миллий-маданий хосланган семемасининг лингвомаданий аспекти: Фил.фан. PhD дисс. – Фарғона, 2018. – 128 б.; Мўминова А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларида ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятлари: Фил.фан. PhD дисс. – Т., 2018. – 158 б.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги ривоятлар, уларнинг концептуал майдонини лингвокультурологик аспектда ўхшаш ва фарқли жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

антропоцентрик тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бири ҳисобланган лингвокультурологиянинг ривожланиш босқичлари ва унинг методологик тамойилларини очиб бериш;

ривоятларни таснифлаш орқали ибратли ривоятларни тадқиқот объекти сифатида танлаш;

parable-ривоят матнининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

*parable-ривоят*ларни лингвокультурологик таҳлил тамойиллари моделини ишлаб чиқиш;

ривоятлар концептуал майдонини шакллантирувчи лингвистик ва экстралингвистик омилларни аниқлаш;

*parable-ривоят*ларни дискурсив таҳлилга тортиш орқали улардаги лингвокультурологик жиҳатларни ўрганиш, ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш;

*parable-ривоят*лар лингвокультурологик жиҳатларини аниқлаш орқали икки лисоний олам тасвирида тил соҳибларининг этник, ментал ва маданий хусусиятларини изоҳлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги ибратли ривоятлар концептуал майдони олинган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек тилларидаги ривоятлар концептуал майдонининг лингвокультурологик жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, чоғиштирма-типологик, контрастив, компонент, дискурсив таҳлил, концептуал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

*parable-ривоят*лар онгнинг ўзига хос когнитив микроструктурасини ташкил этиб, ўз семантикасида маданиятнинг бир қисмини акс эттирувчи тил бирлиги – лингвокультурема ва ахборот сақловчи, узатувчи ва қайта ишловчи когнитив механизм сифатида намоён бўлиши *parable-ривоят*ларнинг «*шитирокчилар* → *муаммо* → *мақсад* → *боғловчи стратегия* → *кутилган яқун (ечим)*» каби бошланғич унсурларини моделлаштириш орқали асосланган;

ривоят турларининг прагматик таснифи асосида ибратли ривоятлар объектининг хилма-хиллиги (камбағал инсондан тортиб, шоҳ ёки пайғамбарлар образигача) сюжет ва ғоявий-бадий мақсаднинг турлича бўлишини таъминлаши аниқланган, натижада ибратли ривоятларнинг жанрий хусусиятлари топонимик, тарихий, диний ривоятларнинг 12 белгисидан фарқли равишда 5 таси «ижобий», 6 таси «қисман ижобий» ва фақат биргина гуруҳда «салбий» муносабатда бўлиши исботланган;

инглиз тилида *parable* қаҳрамонлари (*бобо ва набира, қирол ва деҳқон, ота ва ўғил, генерал ва аскарлар, худо ва роҳиблар*) улуғлик ва тубанлик,

яратувчи ва яратилган, бошқарувчи ва бажарувчи каби оппозицияларини ифодаловчи концептлар жуфтлигини ташкил этиши, ўзбек тилида эса ушбу оппозиция концептуал структураси икки аъзоликдан уч аъзоликка («подшоҳ ↔ мулозим ↔ деҳқон», «подшоҳ ↔ вазир ↔ асир» ва ҳ.к.ларга) ўзгариши далилланган;

инглиз ва ўзбек ривоятлари тилининг концептуал ядровий структурасини justice (адолат), wisdom (донолик), effort (заҳмат), mastery (уддабуронлик) концептлари ташкил этиши ва уларнинг Рожэнинг (Roget's Thesaurus of Synonyms and Antonyms) синонимлар ва антонимлар тезаурусида ажратилган MORAL пунктида келтирилган категориялар билан мутаносиблиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларидаги ривоятлар концептуал майдонининг лингвокультурологик жиҳатдан чоғиштирма тадқиқ натижаларига доир илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган;

бадий матни, хусусан, инглиз ва ўзбек тилларидаги ривоятларни прагмалингвистик ва лингвокультурологик жиҳатдан таҳлил қилишда (*parable-ривоят*ларни ташкил этувчи «иштирокчилар → муаммо → мақсад → боғловчи стратегия → қутилган яқун (ечим)» бошланғич унсурларини моделлаштириш орқали) янги таҳлил методикаси ишлаб чиқилган ва ушбу таҳлил методикасидан тадқиқотнинг 3-боб *parable-ривоят*лар таҳлилида самарали фойдаланилган;

халқ оғзаки ва ёзма ижодининг ажралмас қисми бўлган *parable* ва ривоятларни таҳлил қилиш орқали уларда тегишли халқлар маданияти, ҳаёт тарзи, ривожланиш инъикоси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда лингвистик, когнитив-концептуал таҳлил методологиялари, тавсифий, чоғиштирма-типологик, контрастив методлар қўлланилгани, назарий хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда олинган натижаларнинг тегишли ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чоғиштирилаётган тиллардан олинган таҳлиллар, яъни икки тил вакиллариининг этник, ментал ва маданий хусусиятларига оид илмий хулосалар ва келтирилган фикр-мулоҳазалар коммуникатив тилшунослик, прагмалингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика, лингвоўлкашунослик, этнолингвистика соҳаларига оид тадқиқот муаммоларини ёритишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган назарий умумлашмалардан «Умумий тилшунослик», «Контрастив лингвистика асослари», «Матн лингвистикаси», «Лингвокультурология», «Когнитив лингвистика» каби фанларни ўқитишда, шунингдек, кўрсатилган фанлар бўйича маъруза курслари, семинар машғулотларини ишлаб чиқиш ҳамда

олиб бориш, дарслик, ўқув қўлланмаларни тайёрлашда амалий манба вазифасини ўташи билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларидаги ривоятларнинг лингвокультурологик хусусиятларини тадқиқ этиш жараёнида олинган натижалар асосида:

ривоят турларининг прагматик таснифи асосида ибратли ривоятлар объектининг хилма-хиллиги (камбағал инсондан тортиб, шоҳ ёки пайғамбарлар образигача) сюжет ва ғоявий-бадий мақсаднинг турлича бўлишини таъминлаши аниқланди, натижада ибратли ривоятларнинг жанрий хусусиятлари топонимик, тарихий, диний ривоятларнинг 12 белгисидан 5 таси «ижобий», 6 таси «қисман ижобий» ва фақат биргина гуруҳда «салбий» муносабатда бўлишига доир илмий-назарий хулосалардан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қароридан келтирилган вазифаларнинг бевосита ижросини амалга оширишда фойдаланилган (Маданият Вазирлигининг 2021 йил 6 январдаги 01-12-01-43-сон маълумотномаси). Натижада таклиф қилинган тавсия ва хулосалар «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури»нинг 35-банди доирасида ўз аксини топган;

инглиз тилида *parable* қаҳрамонлари (бобо ва набира, қирол ва деҳқон, ота ва ўғил, генерал ва аскарлар, худо ва роҳиблар, деҳқон ва эшак) каби улуғлик ва тубанлик, яратувчи ва яратилган, буюрувчи ва бажарувчи каби оппозицияларни ифодаловчи концептлар жуфтлигини ташкил этиши, ўзбек тилида эса ушбу оппозиция концептуал структураси икки аъзоликдан уч аъзоликка («подшоҳ ↔ мулозим ↔ деҳқон», «подшоҳ ↔ вазир ↔ асир» ва ҳ.к.ларга) ўзгаришига доир илмий хулосалардан Давлат илмий-техник дастурлари доирасида 2017-2018 йилларда бажарилган ОТ-А1-63 «Билим ила нур – таълим тизимида хорижий (инглиз) тили йўналишидаги кўриш имконияти чекланган ўқувчиларга ўрта махсус таълим муассасаларига мўлжалланган умумевропа компетенцияларига жавоб берадиган ўқув-услугий мажмуа яратиш» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида 6-синф ўқувчилари (инглиз тили) учун яратилган «Light Up pupil's book» ўқув қўлланмасида ривоят дискурсидаги мавзуларни ёритишда кенг фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 26 январдаги 89-03-454-сон маълумотномаси). Натижада ушбу амалий лойиҳа доирасида яратилган дарслик ва ўқув қўлланма янги илмий далиллар билан бойитилишига ва такомиллашишига хизмат қилган;

parable-ривоятлар онгнинг ўзига хос когнитив микроструктурасини ташкил этиб, ўз семантикасида маданиятнинг бир қисмини акс эттирувчи тил

бирлиги – лингвокультурема ва ахборот сақловчи, узатувчи ва қайта ишловчи когнитив механизм сифатида намоён бўлиши parable-ривоятларнинг «иштирокчилар → муаммо → мақсад → боғловчи стратегия → кутилган яқун (ечим)» каби бошланғич унсурларини моделлаштиришига доир илмий қарашлардан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган ва Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети 2020-2021 йилларга мўлжалланган ФЗ-201908172 «Ўзбек тилининг таълимий корпусини яратиш» мавзусидаги инновацион тадқиқот лойиҳаси доирасида кенг фойдаланилган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 15 январдаги 05-15/5302-сон маълумотномаси). Натижада ушбу инновацион лойиҳа доирасида яратилган «Grammar» ва «Speaking» ўқув қўлланмалари лингвокультурологияга оид маданий бирликлар ва фольклор дискурсига оид илмий далиллар билан бойитилган;

ҳар икки ривоят тилининг концептуал ядровий структурасини justice (адолат), wisdom (донолик), effort (заҳмат), mastery (уддабуронлик) концептлари ташкил этиши ва уларнинг Рожэнинг (Roget's Thesaurus of Synonyms and Antonyms) синонимлар ва антонимлар тезаурусига ажратилган MORAL пунктида келтирилган категориялар билан мутаносиблигига доир илмий ва назарий хулосалардан Қўқон давлат педагогика институтида 2016-2019 йилларда бажарилган 574097-EPP-1-2016-1-CY-EPPKA2-SVNE-JP рақамли «RUECVET: Пилотирование Европейской системы перевода зачетных единиц (кредитов) для профессионального образования и обучения (ECVET) в национальных системах профессионального образования и обучения России и Узбекистана» номли халқаро лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 27 январдаги 89-03-509-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек маданиятларига тегишли асосий концептлар ва уларнинг чоғиштирилаётган тиллардаги салмоғи ва йиғиндисига оид илмий-назарий хулосалар лойиҳа доирасида контрастив лингвистика асослари, матн лингвистикаси фанлари бўйича тузилган маъруза курслари, семинар машғулотлари учун назарий асос вазифасини бажарган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, шундан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, асосий матн 142 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланган, методлари тавсифланган, тадқиқот объекти, предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тил ва маданият аспектларининг илмий-назарий асослари**» номли биринчи бобда антропоцентрик парадигмада лингвокультурологиянинг методологик асослари ўрганилиб, лингвокультурологик тадқиқотлар объекти ҳисобланган миллий стереотиплар тадқиқ этилган. Миллат, маданият ва тилнинг ўзаро муносабатлари яхлитликда ўрганилган ҳамда жаҳон ва ўзбек тилшуносларининг назарий фикрларига таяниб, илмий хулосалар чиқарилган.

Маданиятни тил орқали тадқиқ этишнинг назарий асослари шуни кўрсатадики, инсон ва дунё ҳақида энг катта, салмоқли маълумот сақловчи ва ташувчи тил ҳисобланади. Ҳар бир халқнинг табиати, турмуш шароити, урф-одатлари, маданияти ва санъати тилда акс этади. Шунга кўра, тил орқали маданиятни ўрганиш ғояси янгилик эмас, бу ҳақида дастлаб А. Брюкнер, В.В. Иванов, В.Н. Топоров, Н.И. Толстой ва бошқалар назарий қарашларини баён қилганлар. Рус этнолингвисти Е.Бартминьский ўтган аср бошида ушбу муаммони ҳал қилишда иштирок этди. Уларнинг асарларида маданият тилшуносликка яқин фан экани, инсоният тараққиёти тарихида вужудга келган турли маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши масалаларини чуқур таҳлил қилмай, матн ҳамда тил сирларини тушуниб бўлмаслиги эътироф этилади⁸.

Ҳар қандай тил, шунингдек, ўзи мансуб халқнинг миллий хусусиятларини, дунёқарашини белгилайдиган ва олам манзарасини шакллантирадиган миллий, ўзига хос хусусиятлар тизимини мужассамлаштиради. Тил муайян тилда сўзлашувчи халқнинг фикрлаш доирасини, миллий тафаккурини ифодалайди, деган назарий қарашлар мавжуд. Масалан, шимолда яшовчи Эскимослар тилида *қор* жойлашган ўрни ва ёғишига қараб, беш хил ном билан аталади⁹. Ёки француз ва инглиз тилларида *пишлоқ ва пишлоқ маҳсулотлари* 120 дан ортиқ сўз ва сўз

⁸ Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. – С. 28.

⁹ Krupnik, Igor et al. Franz Boas and Inuktitut terminology for ice and snow: from the emergence of the field to the 'Great Eskimo Vocabulary Hoax'. SIKU: Knowing our Ice: Documenting Inuit Sea-Ice knowledge and Use. – New York: Springer, 2010. – pp.385-410.

бирикмалари билан ифодаланади¹⁰. Ўзбек тилида эса ушбуларни *қор* ва *пишлоқ* сўзларигина акс эттиради. Бундай фактлар мавжудлигини ҳисобга олиб, турли халқлар бир объектни ёки бир дунёни турлича кўришади, деган хулосага келиш мумкин.

Маълумки, тил доимий ижтимоий ҳодиса сифатида ҳаракатда бўлиб, фаоллашиб боради. Тил нафақат муайян фикрни ифода этувчи восита, балки тафаккур маҳсули, бутун бир олам, коинотнинг таркиби сифатида, қолаверса, маданиятнинг аҳамиятли бир бўлаги, мазмун-моҳиятини инсон онгида акс эттириш учун хизмат қилади. Жамиятда юз бераётган барча ўзгаришлар тилда ўз аксини, ифодасини топади¹¹.

Ҳар бир миллатда ўша халқ менталитетини ифодаловчи калит сўзлар мавжуд. Масалан, немис маданиятида *диққат*, *тартиб*, *аниқлик*; инглиз маданиятида *консерватизм*, *урф-одатларга содиқлик*, *олийжаноблик*; ўзбек маданиятида *хушмуомалалик*, *меҳмондўстлик*, *бағрикенглик*, *тургунлик* каби сўзлар халқнинг маданий-тарихий анъаналари билан чамбарчас боғлиқ. Шундай қилиб, тил инсон дунёқарашини шакллантирувчи, муайян тилда сўзлашувчи халқнинг онгида ўз изини қолдирувчи ўзига хос тизимдир.

Ҳар бир даврда ўз ривожланиш жараёнига кўра тилшунослик ва унинг турли соҳалари тараққий этган. Жумладан, XVIII асрда асосан қардош тиллар бўйича қиёсий-тарихий тадқиқотлар устун бўлса, ўтган асрда ҳукмрон бўлган структурал парадигманинг ўрнини антропоцентрик, функционал, когнитив парадигмалар мажмуи эгаллади. Антропоцентрик парадигмада бу қизиқишлар англаш объектларидан унинг субъекти (инсон)га ўзгарди. Бошқача айтганда, инсондаги тил ва тилдаги инсон тадқиқига ўтилди.

XXI аср тилшунослиги тилни фаол тарзда миллат коди сифатида ўрганиши билан характерланади. Шу асосда XX асрнинг 90-йилларида шаклланиб тилшуносликнинг мустақил йўналиши деб ҳисоблаш мумкин бўлган лингвокультурология (кўпинча лингвомаданиятшунослик ёки лисоний маданиятшунослик номлари билан ҳам аталувчи) фани вужудга келди. Даставвал В. Гумбольдт ва А.А. Потебня, кейинчалик В.В. Воробьев, В.М. Шаклеин, В.Н. Телия, В.А. Маслова¹² каби олимларнинг илмий асарлари фаннинг бу йўналишига асосий пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Олимлар лингвокультурологияни турлича талқин қилишади. В.Н. Телиянинг фикрича, лингвокультурологиянинг объекти нафақат миллат

¹⁰ <https://culturecheesemag.com/cheese-dictionary/>

¹¹ Жўраева М.М., Хамидова М.Х. Лингвокультурология ва лингвокультурема // Бухоро давлат университети илмий ахбороти, 2019. – № 4 (76). – Б. 111-114.

¹² Гумбольдт В.Ф. Избранные труды по языкознанию / Пер. Г.В.Рамишвили. – М.: Прогресс, 1984. – 400 с.; Потебня А. А. О некоторых символах в славянской народной поэзии. О связи некоторых представлений в языке. О купальских огнях и сродных с ними представлениях. О доле и сродных с нею существах. – Харьков, 1914 – С. 244.; Воробьев В. В. Лингвокультурология: (Теория и методы) – М.: Изд-во Рос. ун-та дружбы народов, 1997. – 331 с.; Шаклеин В.М. Лингвокультурная ситуация: структура и вопросы исторической реконструкции: Автореф. дис. ... док. филол. наук / Российский университет дружбы народов. – М., 1997.; Телия В.Н. О методологических основаниях в лингвокультурологии// Межд. конференция «Логика, методология, философия науки». – М., Обнинск 1995. – С. 23-35.; Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию. Учебное пособие. – М.: Наследие, 1997. – 208с.

доирасидаги маданий маълумот, балки умуминсоний доирадаги маданий маълумотлар ҳамдир. Масалан, «Инжил» ва «Қуръон»даги турли элатларга мос келадиган маданий универсалиялар¹³.

Лингвокультурология тил ва маданият ўртасидаги муносабатни, этник менталитетнинг тилда ифодаланиши ва амалга ошишини тадқиқ этади¹⁴. Лингвокультурологиянинг асоси – аниқ маданий концептларнинг семантик белгиларининг ўзига хос хусусиятларини системага солишга қаратилган¹⁵.

В.А. Маслова лингвокультуремани қуйидаги турларга бўлинишини таъкидлайди: 1) эквивалентсиз лексика ва лакуналар; 2) мифологик тил birlikлари, тилда ўрнашиб қолган архетиплар, урф-одатлар, маросим ва этикодлар; 3) паремиологик тил birlikлари; 4) тилнинг фразеологик фонди; 5) эталонлар, стереотиплар, символлар; 6) метафора ва лисоний образлар; 7) тилларнинг стилистик қатлами (адабий ва ноадабий шакллар); 8) нутқий хулқ; 9) нутқ маданияти.

В.В. Воробьевнинг фикрича, «Лингвокультурема тил белгисининг шакли ва ушбу белгини ифода этадиган маданий маъно ва мазмун мажмуидир. Лингвокультурема тил белгисининг чуқур мазмунига ўзининг таркибий элементи сифатида потенциал мавжуд бўлган муҳим маънони беради»¹⁶.

Шу муносабат билан сўз бирикмалари, фразеологик birlikлар, метафоралар, рамзлар ва бошқа услубий қурилмалар кенг кўламда ўрганилади. Бунинг бари халқ маданияти, менталитети ҳақидаги бебаҳо маълумотлар манбаидир; уларда афсоналар, ривоятлар, урф-одатлар, халқ этиқоди, ижтимоий тузум ва мафкура акс эттирилган.

Демак, лингвокультурологиянинг мақсади тилнинг ўз таркибий қисмларида намоён бўладиган маданиятни сақлаб қолиш ва уни вербаллаштириш усулларини ўрганишдир. Тилнинг маданият орқали тадқиқи эса тобора долзарблашиб бормоқда, инчунун, замонавий тилшуносликда янги лингвомаънавийтшунослик¹⁷ каби соҳа пайдо бўлаётган ва юксак натижалар кутилаётган бир вақтда тилшуносликда анчадан буён ўз фундаментал базасига эга лингвокультурологияни тадқиқ этмаслик фан ривожидан ўзини четга олишдек туюлади.

Бундан ташқари биринчи бобда тилни миллат белгиси сифатида ўрганиш ва миллий характер стереотиплари тўғрисида фикрлар юритилган.

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек тилларида ривоятлар концептуал майдони**» деб номланган иккинчи бобида ривоятларнинг умумий тавсифи ва прагматик хусусиятлари, ривоят дискурсининг лингвокультурологик

¹³ Телия В.Н. Метафоризация и её роль в создании языковой картины мира // Роль человеческого фактора в языке. Язык и картина мира. – М.: Наука, 1988. – С. 203.

¹⁴ Телия В.Н. Рефлексы архетипов сознания в культурном концепте «родина» // Славянские этюды. Сборник к юбилею С. М. Толстой. – М., 1999. – С. 466-476.

¹⁵ Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология: Курс лекций. – М., 2002. – С. 12.

¹⁶ Воробьев В.В. Лингвокультурология: (Теория и методы) – М., 1997. – С. 48.

¹⁷ <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/fan/1088.htm> (Б. Менглиев. Тил бағридаги маънавийт: лингвомаънавийтшунослик ва унинг истикболлари ҳақида – 9.03.2018)

тахлили, ривоятлар концептуал майдонини шакллантирувчи лингвистик ва экстралингвистик омиллар ҳақида фикр юритилади.

Ривоятлар халқнинг тарихий ўтмиши ҳақидаги бадий ёдномалар бўлиб, улар ҳаётий воқеаларни ҳаётий уйдирмалар асосида акс эттиради. Ривоятлар афсоналарга қараганда тарихга яқин туради.

Бир қанча илмий адабиётлардаги назарий концепцияларга асосланган, таржима ва таърифлардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот объекти бўлган «ривоят»нинг инглиз тилидаги муқобили «parable» деб белгиланди.

Хусусан, инглизча-ўзбекча луғатда *ривоят* – н. *parable*¹⁸; *parable* – масал; *ривоят*¹⁹ тарзида берилган.

«parable»нинг изоҳи эса қуйидагича: *parable* – noun a simple story used to illustrate a moral or spiritual lesson, as told by Jesus in the Gospels²⁰.

Инглиз тилидаги *parable*ларга бағишланган тадқиқотлар хорижда Т.Л. Ноэл, Р.Д. Жон, М.Д. Скотт²¹ томонидан олиб борилган. Ўзбекистонда эса К. Имомов, У. Жуманазаров, С. Умаров, М. Жўраев, У. Сатторов, З. Жумаев, Н. Каримова каби фольклоршунослар томонидан оғзаки адабиётдаги ривоятлар ўрганилган. Мазкур тадқиқотларда афсона, ривоят ва ҳикоят сингари жанрлар бир-бирига яқин ва ўхшаш бўлиб, афсонада уйдирма, ривоятда тарихийлик, ҳикоятда ҳаётийлик бўртиб туриши таъкидланади²². Шунингдек, ушбу тадқиқотларда ривоятларнинг ўзига хос жанрий хусусиятлари, топонимик ва тарихий ривоятларнинг асар сюжетидаги поэтик ўрни юзасидан илмий изланишлар амалга оширилган. Бироқ инглиз ва ўзбек тилларидаги ривоятларнинг лингвокультурологик хусусиятлари алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган.

Ривоят ва «parable»да ахлоқ ва одобнинг идеал меъёрлари, ибратли ахлоқий ғоялар тарғиб қилиниши каби функционал мақсади уйғунлигидан ташқари ўзбек тилидаги ривоятнинг инглиз тилидаги муқобили «parable» эканлиги қуйидаги интеграл параметрларда яққол намоён бўлди:

қисқа ибратли ҳикоя;

жанр хусусиятлари;

тингловчига етказилиш шакли;

бадий тасвир воситалари;

ҳажман қисқа, лекин маъноли ва таъсирчанлиги;

авлоддан авлодга ўтиб келаётган халқ оғзаки ижоди намунаси;

халққа мос бўлган миллийлик тасвири;

муаммонинг донолик, тадбиркорлик натижасидаги ечими.

¹⁸ Бутаев Ш., Ирискулов А. Инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча луғат. – Т.: Фан, 2009. – Б. 719.

¹⁹ Ўша манба. – Б. 297.

²⁰ Oxford Dictionary of English, 3rd Edition © Oxford University Press 2010. – P. 1287.

²¹ Noel T.L. Parables in Context: Developing a Narrative-Critical Approach to Parables in Luke. PhD dissertation. Southern Baptist Theological Seminary. – Kentucky, 1986.; John R. D. The Gospel in Parable: Metaphor, Narrative, and Theology in the Synoptic Gospels. – Philadelphia: Fortress Press, 1988.; Scott M.D. Conversion in Luke and Paul: Some Exegetical and Theological Explorations. PhD dissertation. – Durham University, 2010.

²² Очилов Э. Шарқ ҳикоят ва ривоятлари: Биринчи китоб. – Т.: Шарқ. – 2015. – Б. 7.

Илмий қарашларга кўра, ривоятлар асосан икки типга, яъни топонимик ва тарихий ривоятларга ажратилади²³. Ривоятлар прагматик вазифасига кўра қуйидагича таснифланди:

1-жадвал

Ривоят турларининг прагматик мақсадига кўра фарқланиши

№	Мазмуний-прагматик мақсад	Топонимик ривоятлар	Тарихий ривоятлар	Диний ривоятлар	Ибратли ривоятлар
1	Жой, уруғ-қабила номларининг келиб чиқиши баён қилинади	+	–	–	–
2	Буюк шахслар ва тарихий воқеалар баён қилинади	–	+	–	қисман
3	Пайғамбарлар, дин арбоблари ҳаёти баён қилинади	–	–	+	қисман
4	Турли ҳаётий вазият ва муаммолар баён қилинади	–	қисман	қисман	+
5	Қаҳрамонларнинг донолиги, тадбиркорлиги, адолатпарварлиги баён қилинади	–	қисман	қисман	+
6	Муаммонинг донолик, тадбиркорлик натижасидаги ечими тавсия этилади	–	–	қисман	+
7	Мафкуравий таъсир мақсад қилинади	–	–	+	қисман
8	Таълимий-тарбиявий таъсирга эга	–	–	+	+
9	Тўқима персонажлар мавжуд	+	–	–	+
10	Тарихий шахслар образи мавжуд	Қисман	+	қисман	қисман
11	Аниқ макон кўрсатилади	+	+	қисман	қисман
12	Уйдирма воқелик ҳукмрон фон бўлиб хизмат қилади	Қисман	–	–	қисман

Ушбу жадвалда ҳар икки қиёсланаётган тиллардаги *parable* ва ривоятларнинг прагматингвистик жиҳатлари изоҳланган. Мазкур жанрнинг шаклий ва мазмуний хусусиятлари бир-бирига ўхшашлиги туфайли *parable* ва ривоят учун ягона жадвал тузишни маъқул топдик, чунки келтирилган изоҳлар жанрнинг ҳар икки тилдаги ҳолатини кўрсатади.

Ҳар бир *parable* (ривоят) ўз мазмуний прагматик мақсадига эга. Айнан шу мақсад белгилари шартли равишда 12 гуруҳга ажратилди. Уларнинг айримлари ўхшаш, айримлари эса бир-бирини такрорлагандек бўлиши мумкин. Аммо бу ҳодиса ифодаланаётган маънонинг кенг тармоқчилиги билан изоҳланади.

Топонимик ривоятлар каторига дунёда мавжуд турли топонимлар – жой номларининг келиб чиқишини изоҳловчи, маъносини очиб берувчи *parable* (ривоят)лар киритилди. Уларнинг айримларида тўқима персонажлар мавжуд бўлиши, бир халқдан ривоят қилинаётган ҳодиса муайян жой (қишлоқ, шаҳар, вилоят, давлат)да содир бўлган дейилса, бошқа ривоятда эса воқеа содир бўлган жой сифатида бутунлай бошқа ҳудуд кўрсатилиши мумкин. Бу

²³ Жумаев З.Х. Ўзбек халқ тарихий ривоятлари (ўрганилиши, ўзига хос хусусиятлари ва таснифи): Фил. фан. ном. ... дисс. – Т., 2005. – Б. 11.

эса айрим ривоятларда «сайёр сюжетлар» учрашини кўрсатади. Мантиқан олиб қаралса, бу турдаги ривоятлардаги бадий тўқима фон вазифасини бажаради.

Тарихий ривоятларда эса жаҳон ёки мамлакат тарихида ном қолдирган буюк шахслар ва тарих саҳифаларидаги муҳим воқеалар баён қилинади. Бу турдаги инглизча *parable*ларда Ғарб цивилизацияси, насроний дин, маданият намояндалари ва тарихий воқеалар баён қилинса, ўзбек тилидаги ривоятларда ўзбек, туркий халқлар, араб-ислом маданияти намояндалари ва воқеалари ёритилади. Тарихий ривоятларда аниқ макон кўрсатилади. Агар ровий аниқ маконни билмаса ёки эслай олмаса, унга яқинлаштирилган ёки уйдирма сохта макон номларини ишлатиши мумкин.

Диний ривоятларнинг асосий мақсад ва мазмуний йўналиши христиан ва ислом дини ақидалари мафқураси, пайғамбарлари, урф-одат ва маросимларининг келиб чиқиши ёки диндорлар онгини шакллантиришга йўналтирилган воқеаларга қаратилган бўлади. Бу ривоятларнинг асосий икки мақсад ва йўналиши мавжуд: 1) диний мафқуранини шакллантириш; 2) диний мафқура асосида таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш. Уларда уйдирма воқелик, тўғрироғи, фан фактларига зид келувчи ёки илмий йўл билан умуман исботлаб бўлмайдиган воқеалар ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

Ибратли ривоятлар қаторига умумбашарий мафқура, маданият, тарбия-тарбия, умуминсоний (бирор-бир дин доирасида чегараланмаган) қадриятлар киритилади. Шунингдек, айрим пайғамбарлар, диний уламолар ва шайхларнинг дидактик ғоялар эътироф этилган, умуминсоний қадриятни тарғиб этувчи ибратомуз мулоҳазалари ифодаланган бўлса, уларни ҳам ибратли ривоятлар сафига киритишни лозим топдик. Бу гуруҳ ривоятларининг қаҳрамонлари оддий камбағал инсондан тортиб, шоҳ ёки пайғамбарларгача бўлиши мумкин. Объектнинг ҳар хиллиги ривоят сюжети ва ғоявий-эстетик мақсаднинг турлича бўлишини таъминлайди. Шу боис ибратли ривоятлар юқорида санаб ўтилган 3 хил ривоятларнинг 12 белгисидан 5 таси «ижобий» ва 6 таси билан «қисман ижобий», фақат бир (топонимик) гуруҳда салбий муносабатни кузатамиз. Тадқиқот объекти бўлган ибратли ривоятларни танланишининг асосий сабаби ҳам шу билан изоҳланади.

Шунингдек, ушбу боб давомида лингвокультурологик таҳлил, концептуал таҳлил, концептуал майдон каби назарий тушунчалар ёритилиб, уларни *parable-ривоятларга* татбиқ этишга ҳам тўхталиб ўтилади.

Матнни лингвокультурологик нуқтаи назардан таҳлил қилиниши маданиятлараро коммуникациялар (яъни ўзга тилдаги матнни ўрганиш ёки чет эл адабиёт намояндалари асарларини таржима қилиш – С.М.) доирасида муҳим аҳамият касб этади. Бундай таҳлил жараёнида матн таркибидаги сўз ва гаплар ўз денотатив ва коннотатив маънолари билан қўшимча эътибор талаб қилади. Денотатив маълумот ўқувчига қийинчилик туғдирмайди ва унинг луғатлардан олинган билимларига асосланади. Коннотатив маълумот

эса турли ассоциатив алоқалардан таркиб топади, уни идрок қилиш адресатдан ушбу халқ маданий кодини билишни тақозо этади. Ўз навбатида, лингвистик таҳлил ва унинг лингвокультурологик атамалардаги талқини ўқувчига номаълум бўлган мамлакатшунослик ва маданиятлараро фактларни акс эттирувчи лингвистик ва экстралингвистик белгиларни аниқ идрок этишга имкон яратиши лозим.

Ривоятлар лингвокультуремаларга бойлиги билан ўзига хос бўлиб, бу жиҳат фольклорнинг анъаналарга содиқлик ва жамоавийлик каби асосий хусусиятларига боғлиқ. Масалан: *Қадим-қадимларда шоирлардан бири қўлига дўмбира олиб, улоқдан кейин майдон ўртасига чиқиб, ўз достонини ўқий кетибди. Эшитганлар шоирга таҳсин айтиб, бири тўн кийгизиб, бири от миндирибди*²⁴.

Юқоридаги ривоят матнидан олинган парча таркибида 5 та лингвокультурема – тилнинг халқ маданияти ҳақида сигнал берувчи белгилари кузатилди. Булар – *дўмбира*, *улоқ*, *достон*, *тўн кийдирмоқ*, *от миндирмоқдир*. Бундан ташқари шоирнинг *дўмбира* чалиб, ашула айтиши инobatга олинса, лингвокультуремалар сони олтига етади. Чунки Ғарб маданиятида катта ҳажмдаги шеърый асарларни мусиқа асбоби ёрдамида элга етказиб берувчи, куйловчи одамларни шоир эмас – бард дейишади. Бу тушунча ўзбек маданиятида бахши, шоир ёки ҳофиз тушунчаси билан берилади.

Матндаги 5 та лингвокультуреманинг изоҳи куйидагича:

дўмбира – қадимги туркий халқларнинг мусиқа асбоби, бошқа маданиятларда учрамайди;

улоқ – *кўпқари* синонимига ҳам эга бўлиб, бу мусобақа тури ҳам фақат Марказий Осиё, айниқса ўзбек маданиятида учрайди;

достон – Шарқ халқлари маданиятига хос бу жанр воқеабанд сюжет асосига қурилган йирик ҳажмли асар, улар бахши (оқин, жирова, манасчи – С.М.)лар томонидан мусиқа жўрлигида ижро қилинади;

тўн кийгизмоқ – ҳурмат-эътиборли кишиларни *иззат қилиб*, *тўн кийдириш туркий менталитетга хос*;

от миндирди – ўтмишда кўчманчи ҳаёт кечирган барча туркий, шу жумладан, ўзбеклар лингвокультурологиясининг ажралмас қисмига айланган *отни совға қилиш* орқали ҳурмат белгиси ифодаланган.

Замонавий когнитив тилшуносликда концептуал майдонни ажралмас ва дифференциал когнитив хусусиятларга эга иерархик жиҳатдан ташкил этилган тушунчалар тўплами сифатида талқин қилиш одатий ҳолдир.

Т.В. Евсюкова ва Е.Ю. Бутенколарнинг концептуал майдон ҳақидаги назарий фикрларига қўшилган ҳолда, эътироф этиш лозимки, концептуал майдонни моделлаштириш ҳар хил ҳажмдаги маълумотлар асосида – бир матнли асарда ҳам, ёки алоҳида олинган бир индивидуал муаллифнинг концептуал доирасида ҳам, кенгроқ олганда, бутун миллий концептуал

²⁴ Очиллов Э. Шарқ ҳикоят ва ривоятлари: Биринчи китоб. – Т.: Шарқ, 2015. – Б. 224.

майдон, тилнинг бутун семантик макони доирасида амалга оширилиши мумкин.

Концепт – юқори даражада умумлаштирилган, мавҳумлаштирилган моҳият (анъанавий тилшуносликдаги «инвариант» – С.М.). Тушунча эса моҳиятнинг биров тавсифлаштирилган, конкретлаштирилган реализацияси, ҳодисаси (анъанавий тилшуносликдаги «вариант» – С.М.). Демак, концептуал майдон – концептнинг воқеланиш юзаси. Бу юза фазода, маконда кузатилади. Бирор халқ маданияти у ёки бу концептнинг воқеланиши учун макон, аниқроғи, концептуал майдон бўлиб хизмат қилади. Бундан чиқди, ҳар қандай концептуал майдон учун база бўлиб, муайян маданият хизмат қилади. Маданиятдан ташқарида концепт воқеланмайди.

